

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

505 «Инвестиция мажбуриятлари қийматини объектнинг нархига қўшиш шarti билан икки ва ундан ортиқ йил мобайнида сотилмаган корхона ва яхлит объектларнинг акцияларини, улушларини (пайларини) инвесторларга сотиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор ҳамда унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1153-2*

(2011 йил 1 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли «Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 6-сон, 51-модда) 4-бандига мувофиқ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг 2002 йил 13 майдаги ИУ-01/52-сон «Инвестиция мажбуриятлари қийматини объектнинг нархига қўшиш шarti билан икки ва ундан ортиқ йил мобайнида сотилмаган корхона ва яхлит объектларнинг акцияларини, улушларини (пайларини) инвесторларга сотиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1153, 2002 йил 21 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 11-12-сон);

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг 2003 йил 16 июндаги 01/06-3-сон «Инвестиция мажбуриятлари қийматини объектнинг нархига қўшиш шarti билан икки ва ундан ортиқ йил мобайнида сотилмаган корхона ва яхлит объектларнинг акцияларини, улушларини (пайларини) инвесторларга сотиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1153-1, 2003 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 13-14-сон).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис в.б.

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 9 декабрь,
01/23-18/13-сон